

«Gross sug‘urta kompaniyasi» AJ
Ягона акциядорининг
2022 йил 9 март даги
5- қарори билан
«ТАСДИКЛАНГАН»



Жамият ягона акциядори
Ф.Б. Ахмеджанов

**«GROSS SUG‘URTA KOMPANIYASI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**
- II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**
- III. ДИВИДЕНДЛАР ТҮЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**
- IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТҮЛАМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**
- V. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**
- VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «Gross sug‘urta kompaniyasi» AJ нинг Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низоми (матн давомида – «Низом») Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, «Gross sug‘urta kompaniyasi» AJ (куйида матн бўйича – «Жамият») Устави ва Жамиятнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда Жамиятнинг дивиденд сиёсатини акс эттирувчи ва ёритиб берувчи умумий масалалар келтирилган.

2 Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорлар фаровонлигини оширишга ва Жамият капитализацияси ўсишини таъминлашга қаратилган. Мазкур Низомнинг асосий мақсади акциядорларни ва манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсатига тегишли маълумотлардан хабардор қилиш.

Мазкур Низом Жамият акциялари бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича ёндашувни белгилайди.

Жамият акциядорларига дивидендлар тўлови билан боғлиқ бирор-бир масала Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий (норматив) хукуқий хужжатлари, Жамият Устави ва мазкур Низом билан ҳал қилинмаган ҳолатда, ушбу масала акциядорлар хукуқлари ва конуний манфаатларини таъминлаш заруратига асосланган ҳолда ҳал қилиниши керак.

3. Мазкур дивиденд сиёсати 2022 – 2026 йиллар учун ишлаб чиқилган.

Жамият 2022 – 2026 йилларда дивидендлар тўловига соф фойдасининг камида 30% и ажратилишини мақсад қилган. Қолган маблағлар келгусида Жамиятни ривожлантиришга, резерв капиталига, жамият томонидан ташкил қилинадиган фондларга ва моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Жамият капиталлаштириш ўсишини акциядорларнинг Жамият акцияларидан даромадлар олиш бўйича конуний мулкий манфаатларини кондиришнинг асосий усули сифатида баҳолайди. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва капиталга айлантириладиган қисмлари ўртасидаги нисбатларни оптималлашдан иборат.

5. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- *шаффофлик тамойили* – дивиденд сиёсатини амалга оширишида иштирок қилаётган Томонларнинг вазифалари ва жавобгарликлари, шу жумладан дивидендлар тўлови ва миқдори тўғрисида қарорлар қабул қилиши тартиби ва шартлари тўғрисидаги ахборот белгиланиши ва ошкор қилинишини назарда тутади;
- *ўз вақтида тамойили* – дивиденд тўловларини амалга оширишида вақтинчалик чегаралар белгиланишини назарда тутади;
- *асосланганлик тамойили* – дивидендлар тўлови ва миқдори тўғрисида қарор Жамият томонидан ижобий молиявий натижаларга эришилган тақдирдагина, Жамиятнинг ҳақиқий молиявий аҳволига асосланиб ривожланиши режалари ва унинг инвестиция дастурлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши мумкинлигини назарда тутади;
- *адолатлилик тамойили* – акциядорлар дивидендлар тўлови, миқдори ва

тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар юзасидан ахборот олишида тенг ҳуқуқлар таъминланишини назарда тутади;

- *изчиллик тамойили – дивиденд сиёсати тадбирлари ва тамойилларининг қатъий ижро қилинини назарда тутади;*
- *ривожланиш тамойили – Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши туфайли дивиденд сиёсати қоидаларини қайта кўриб чиқиши ва корпоратив бошқарув тадбирларини яхшилаши доирасида дивиденд сиёсати доимий таомиллаштиришини назарда тутади;*
- *барқарорлик тамойили – Жамиятнинг дивидендер тўлови барқарор даражасини таъминлашга интилишини назарда тутади.*

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (эълон қилиш) Жамият ҳукуки хисобланади. Акциядорлар умумий йигилиши акциялар бўйича дивидендер тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукукига эга.

7. Жамият эълон қилинган дивидендерларни тўлашга мажбур.

Дивидендер тўлови билан боғлиқ сарф – харажатлар (шу жумладан, соликлар чегирмалари ва ушлаб қолишлар, дивидендерлар ўтказмалари сарф-харажатлари, поча чиқимлари) бошқарув органлари қарори бўйича дивидендерлар олаётган акциядорга юкланиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, Жамият ушбу мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун акциядорлар олдида жавобгар бўлади.

- 8.** Дивидендерлар куйидаги акциялар бўйича хисобланмайди ва тўланмайди:
- *жойлаштирилмаган акциялар;*
 - *Жамиятнинг ўзи томонидан эгалик қилинган ва/ёки сотиб олинган акциялар;*
 - *Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан назарда тутилган бошқа ҳолатларда.*

9. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 54-моддаси биринчи қисми билан назарда тутилган ҳолатларда Жамият акциялар бўйича дивидендерлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилиш ва тўлаш ҳукукига эга эмас.

II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

10. Жамият молия йили натижалари бўйича мазкур Низомнинг 8-бандида қайд этилган акциялардан ташқари, акциялар бўйича дивидендерлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) ҳукукига эга.

Молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўккиз ойи натижалари бўйича дивидендерлар тўлови тўғрисида қарор (эълон) тегишли давр яқунлангандан сўнг уч ой мобайнида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендерлар Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) олдинги ийларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендерлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр учун аудиторлик ташкилотининг ижобий хulosаси мавжуд бўлган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин.

11. Жамият Акциядорлари умумий йигилиши хар бир тоифадаги акциялар бўйича дивидендерлар тўлови (эълони) тўғрисида қарор қабул қиласи.

12. Акциядорлар умумий йигилишининг дивидендерлар тўлови (эълони) тўғрисидаги қарори билан қуйидагилар белгиланиши керак:

- *дивидендерлар тўлови (эълони) амалга ошириладиган акциялар тоифаси (тури);*
- *муайян турдаги битта акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори;*
- *дивидендерлар тўлови муддати, тартиби ва даврийлиги.*

Бунда Жамият конунчилик билан белгиланган ҳолатларда оддий акциялар бўйича дивидендерларни тўлиқ тўлаш имконияти бўлмаган тақдирда, дивидендерлар тўлови (эълони) тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукукига эга эмас.

13. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциялар бўйича дивиденdlар миқдори қуидаги омиллардан келиб чиқиб белгиланади:

- аудиторлик хulosаси билан шубҳасиз тўғрилиги тасдиқланган молия ҳисоботи маълумотларига асосан соф фойда миқдори;
- Жамиятнинг келгуси даврлар учун молия – хўжалик режалари;
- Жамиятнинг таалуқли давр якуни учун оборот маблағлари тузилиши;
- Жамиятнинг таалуқли давр якуни учун қарз юкламалари.

III. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

14. Жамият дивиденdlарни пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивиденdlар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки акциядор – Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ёзма талаби бўйича Жамият акциядор – норезидент томонидан тақдим қилинган банк счётига маблағларни ўtkазиш орқали унга ҳисоблаб ёзилган дивиденdlарни эркин конвертация қилинадиган валютага конвертация қилинишини амалга ошириши шарт.

15. Дивиденdlар тўлов муддати Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши карори билан белгиланади, бироқ Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивиденdlар тўлови тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирилмаслиги керак.

16. Жамиятнинг қимматли қоғозлари эгалари ҳисоблаб ёзилган дивиденdlарни Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, Жамият бундай (йўқлаб олинмаган) дивиденdlар тўловини давом эттиради. Талаб қилиб олинмаган дивиденdlар тўлов даври Жамият томонидан эълон қилинган дивиденdlар тўлови бўйича мажбуриятлар ижро муддати тугаган санадан бошлаб уч йилдан ошиши мумкин эмас.

17. Жамият айби билан дивиденdlар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган (олинмаган) ҳолатда, тўланмаган (олинмаган) дивиденdlар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаларидан келиб чиқиб жарима (пеня) ҳисоблаб ёзилади. Тўланмаган (олинмаган) дивиденdlар бўйича ҳисоблаб ёзиладиган жарима (пеня) миқдори тўланмаган (олинмаган) дивиденdlар суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги керак.

18. Жамиятнинг ўз вазифалари каторида акциядорлар билан ишларни ташкил қилиш ва юритиш мавжуд бўлган таркибий бўлинмаси Жамият бухгалтерияси билан биргаликда Жамият томонидан мазкур Низом билан назарда тутилган дивиденdlар тўловини ташкил қилиш бўйича барча чора – тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ўtkазиш ишларини амалга оширади.

19. Ҳар қандай акциядор Жамиятга акциялар бўйича дивиденdlарни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, дивиденdlар ҳисоблаши ва дивиденdlар суммасига солиқ солиш тартиби тўғрисида, тўлов шартлари тўғрисида ахборот тақдим қилиниши учун расмий талабнома билан мурожаат қилиш хуқуқига эга.

20. Акциядорларга дивиденdlар тўлови тўғрисида қарор қабул қилган Акциядорлар умумий йиғилишини ўtkазиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўtkazilgan шахслар акциялар бўйича дивиденdlар олиш хуқуқига эга.

21. Акциялар улушли эгаликда бўлган ҳолатда, белгиланган тартибда дивиденdlар акциядорлар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб (пропорционал) равишда тақсимланади.

22. Акциядор ўз акциялари учун хуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция воситачиларини ва/ёки Марказий қимматли қоғозлар депозитариясини ўз маълумотлари ўзгаришлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор томонидан ўз маълумотлари ўзгаришлари тўғрисида ахборот тақдим қилинмаган ҳолатларда, Жамият, Марказий қимматли қоғозлар депозитарияси ва/ёки унинг акциялари учун хуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция воситачиси акциядорга шу туфайли етказилган заарлар учун жавобгар бўлмайди.

23. Акциядор дивидендлар ўтказмалари учун ўз банк реквизитлари ёки манзилини нотўри кўрсатган, ёхуд Жамиятга қайд этилган реквизитлар тўғрисида хабар бермаган, ёхуд улар тўғрисида ўз вақтида хабар бермаган тақдирда, Жамият акциядорга шу туфайли етказилган заарлар учун жавобгар бўлмайди. Мазкур бандда қайд этилган сабаблар бўйича акциядорнинг айби билан нотўри ўтказилган дивидендлар суммалари Жамиятга қайтарилигandan сўнг, уларнинг аниқлик киритилган реквизитлар бўйича акциядорга такрорий ўтказилиши уларнинг қайтарилиши ва такрорий ўтказмаси учун сарф-харажатлар чегирма қилинган ҳолда амалга оширилади.

24. Жамият акциядорларга уларга тегишли акциялар бўйича даромадларни тўлашда солиқ агенти хисобланади ва хисоблаб ёзилган дивидендлар тўловини қимматли қоғозлар бўйича даромадлар олинганилиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгиланган солиқлар чегирма қилинган ҳолда амалга оширади. Солиқ солиш стандарт ставкалари татбиқ қилинмайдиган акциядор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгиланган тасдиқловчи хужжатларни Жамиятга (унинг томонидан жалб қилинган Тўлов агентига) тақдим қиласи.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25. Жамият ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар тўловини амалга ошириши шарт.

26. Дивидендлар тўланишида акциядорлардан хеч бири тўлов муддатлари бўйича устуворликларга эга эмас.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тўлови акциядорларнинг дивидендлар олиш учун тенг хукуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

27. Жамиятнинг Ижроия органи Жамият акциядорларига дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўлови учун жавобгар бўлади.

28. Жамиятнинг Ижроия органи айби билан дивидендлар тўлови тўлиқ ёки ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, акциядорларнинг умумий йиғилиши айбор шахсларнинг жавобгарлик чораларини белгилайди ва тааллуқли жарималар солади ёхуд жарима солинишини талаф қиласи.

29. Жамият томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар тўловини суд тартибида талаф қилиш хукукига эга.

30. Жамиятга юкланган дивидендлардан солиқ суммаларини ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича солиқ агенти вазифаси бажарилмаганлиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар бўлади.

V. АХБОРТОНӢ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

31. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият томонидан унинг Интернет тармоғидаги корпоратив веб – сайтида Жамият бошқарув органининг тааллуқли қарор қабул қилинган йиғилиши баённомаси имзолангандан сўнг ўн кун мобайнида ошкор қилинади.

32. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилинганда, Жамият ахборотни қонунлар билан белгиланган муддатларда мухим маълумотлар тўғрисидаги хабарлар шаклида ошкор қиласи. Бунда Жамият томонидан электрон почта орқали акциядорларга уларга дивидендлар хисоблаб ёзилганилиги тўғрисида билдириш хати юборилади.

33. Жамият томонидан дивидендлар тўлови бўйича ўз мажбуриятлари бажарилганлиги ҳолати юзасидан Жамият тааллуқли ахборотни қонунлар билан белгиланган муддатларда мухим маълумотлар тўғрисидаги хабарлар шаклида ошкор қиласи.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

34. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчалар Акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланади.


35. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва кўшимчалар Жамиятнинг Тафтишчиси, Жамиятнинг ички аудит хизмати аъзолари, Жамиятнинг ижроия органи раҳбари тақлифлари бўйича киритилади.

36. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан ҳал қилинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартиришлар киритиладиган пайтга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун меъёrlарига ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши керак.


О.Назаров



А.Рахматуллаев



Б.Пулатов



И.Норқобилов



М.Кобилов

